САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ “ШАРҲ АЛ-АҚОИД” АСАРИДА ИРОДА-ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ ВА АХЛОҚИЙ ТАНЛОВ МАСАЛАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

ВОПРОС МОРАЛЬНОГО ВЫБОРА И СВОБОДЫ ВОЛИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ САЪДУДДИНА ТАФТАЗАНИ «ШАРХ-АЛЬ-АКАИД»

THE NOTION OF FREE WILL AND ETHICAL CHOICE IN THE WORK “SHARH AL- 'AQA'ID” OF SA'AD AD-DIN TAFTAZANI

Mirzaqul XIDIROVICH NORQOBILOV
NAVOI STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE
Teacher of the department of “National ideology and the fundamentals of spirituality”, e-mail: norkobilov.m@mail.ru
45, Ibn Sina, Navoi, 210100, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/TLOI/2021/1/8

Аннотация: *Мазкур мақолада Саъдуддин Тафтазонийнинг калом илми борасидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари рационал тафаккур нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинган. Жумладан, Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид” асарида калом фалсафасининг муҳим мавзуларидан бири – инсондаги ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласининг аҳамияти очиб берилган.*

Жумладан, Тафтазоний асарда Яратувчининг яратувчилик сифатидан келиб чиқадиган хушхулқлик ва хайрли ишлар таърифи келтирилади ҳамда мазкур жараёнда инсонларни номақбул хулқ-атвор сабабидан содир бўладиган ҳатти-ҳаракатлардан сақланишга чақиради.

Мақолада ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тўғрисидаги концептуал гоя ҳамда қарашлар Саъдуддин Тафтазонийнинг маънавий меросидаги энг долзарб мавзу эканлиги замон ва макон нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Жумладан, асарда шарафланмаган хулқ-атвор ва ижтимоий ахлоқ меъёрларида таърифланган гуноҳ ва маъсият мақомидаги ишлар инсоният учун номувофиқлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, ижтимоий ахлоқ нормаларида бажарилиши таъқиқланган ҳатти-ҳаракатлар орқали кишиларнинг синовдан ўтказилиши ҳақидаги диний-ахлоқий кўрсатмалар ақлий ва нақлий манбалар асосида далилланган.

Тафтазоний ўз асарида Яратувчи инсоният жамоасини доимо хайрли ишларга буюрганлиги, тақиқланган ишлардан қайтарганлиги ҳамда шаърий буйруқларга итоат қилишлик ёки қилмаслик каби ахлоқий мезонлар борасида инсоннинг эркини ўзида қолдирилганлигини юксак маҳорат билан ифодалаган.

Тадқиқотда инсоннинг тақдири ва ундаги ихтиёр эркинлигини тасарруф этишда Саъдуддин Тафтазоний ғоялари билан замонавий фалсафадаги уйғунлик ҳамда номутаносибликлар ҳақидаги қарашлар қиёсланган. Шунингдек, ихтиёр-ирода эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласида замонавий фалсафа фани терминологиясида мавжуд бўлган волюнтаризм ва фатализм каби атамаларнинг Тафтазоний қарашлари билан қиёсий таҳлили келтирилади. Жумладан, тадқиқотда Европа фалсафаси вакилларининг мазкур мавзудаги қарашлари билан Тафтазоний ғоялари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва тафовутларининг қиёсий таҳлили ўрин олган.

Мазкур тадқиқотни жамият маънавий ҳаёти ва тараққиётига татбиқ қилишда инсоннинг танлови қанчалик муҳим эканлигини инобатга олсак, бу танлов нафақат якка бир шахс манфаатига, балки умуминсоният манфаатига хизмат қилиши конструктив жиҳатдан аҳамиятлидир. Ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласи юзасидан фикрларимизни «Шарҳ ал-ақоид» асарининг Британия давлати “Дюзбри” нашрида чоп этилган нусхасидан фойдаланган ҳолда баён қилишга ҳаракат қилдик.

Калит сўзлар: *гуноҳ ва маъсият, иститоъат, «қазо» ва «қадар», ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов, алоқий мезон, уйғунлик ва номутаносиблик, волюнтаризм ва фатализм, рационал билим ва креатив тафаккур.*

Аннотация: *Эта статья представляет собой углубленный анализ философских и моральных взглядов Саъдуддина Тафтазани на теологию с точки зрения рационального мышления. В частности, в творчестве мыслителя «Шарх-аль-Акаид» в высоких строчках освещается важность вопроса свободы воли и морального выбора в человеке, что является одной из важных тем философии слова.*

В частности, Тафтазани в своём труде описывает доброту и добрые дела Создателя как творца и наставляет людей воздерживаться от действий, которые могут произойти в процессе из-за ненадлежащего поведения.

В статье анализируются концептуальные представления и взгляды на свободу воли и морального выбора с точки зрения времени и пространства, которые являются наиболее актуальными проблемами в духовном наследии мыслителя. В частности, в труде подчеркивается неадекватность греха и отступничества человечеству, что подчеркивается в нормах неуважительного поведения и общественной морали. Также на основе интеллектуальных и метафорических источников обоснованы религиозно-этические принципы испытания людей через действия, запрещенные социальными моральными нормами.

В произведении мыслитель Тафтазани умело выражает тот факт, что Творец всегда повелевал человеческому сообществу совершать добрые дела, запрещал запрещенные поступки и оставлял волю человека самому себе на основе таких моральных

критериев, как подчинение или неповиновение законам шариата.

В исследовании рассматривается гармония и диспропорция современной философии с идеями мыслителя Тафтазани в управлении судьбой человека и свободе воли. В частности, даётся сравнительный анализ таких терминов, как волюнтаризм и фатализм, существующих в современной философской терминологии, с взглядами Тафтазани на проблему свободы воли и морального выбора. В исследовании также представлен сравнительный анализ взаимосвязей и различий между взглядами европейских философов на эту тему и идеями Тафтазани.

Учитывая важность человеческого выбора в применении этого исследования к духовной жизни и развитию общества, конструктивно важно, чтобы этот выбор служил не только интересам отдельного человека, но и интересам человечества в целом.

Мы попытались выразить нашу точку зрения по вопросу о свободе воли и морального выбора, используя британское издание произведения «Шарх-аль-Акаид».

Ключевые слова: *грех и отступничество, послушание, «случайность» и «судьба», свобода воли и нравственный выбор, нравственный критерий, волюнтаризм и фатализм, гармония и диспропорция, рациональное знание и креативное мышление.*

Abstract: *The article provides an in-depth analysis of Sa'ad ad-Din Taftazani's philosophical and ethical views on kalam (a popular speculative discipline of medieval Muslim literature that provides any reasoning on religious and philosophical topics) based on rational thinking. In particular, it aims at looking through one of the puzzling issues of kalam philosophy – freedom of will and ethical (moral) choice of a man discussed in "Sharh al- 'Aqa'id" written by the great thinker.*

The work of Taftazani describes some features of the Creator as kindness and good deeds originally appeared from His creativity and instructs people to refrain from various actions that may occur due to undesirable human behavior.

In this article, we analyze the conceptual ideas and views on the freedom of will and ethical (moral) choice of a man. We presented them as the biggest problems in the outstanding thinker's spiritual heritage based on the philosophy of time and space. To be specific, the thinker considers the inadequacy of sin and apostasy as the features of disrespectful behavior and social morality. Furthermore, various religious and moral guidelines for testing people through their actions prohibited by socio-moral norms have been substantiated based on intellectual and metaphorical sources. Taftazani perfectly illustrated that the Creator has always commanded the human community to do only good deeds. Next, He commanded to be abstinent from restricted things and actions. He kept the freedom of man under moral criteria as obedience or disobedience to Shari'ah commands.

The research discusses the harmony and disproportions in modern philosophy with the philosophical views of the thinker Taftazani in the management of human destiny and freedom of will. It thoroughly compares the notions of voluntarism and fatalism existing in modern philosophical terminology with Taftazani's views on the issue related to freedom of will and moral choice. Additionally, I provide a comparative analysis on the interrelationship and differences between European philosophers' views on the subject and Taftazani's ideas.

We have tried to express our views on the issue of freedom of will and ethical (moral) choice using the copy of "Sharh al- 'Aqa'id" published in Great Britain.

Keywords: *Sin and apostasy, obedience, qazo (only Allah knows in advance what everything will be like in the future) and qadar (destiny is the creation of those things as per the eternal knowledge of Allah), freedom of will, and ethical (moral) choice, ethical criteria, voluntarism and fatalism, harmony and disproportion, rational knowledge and creative thinking.*

КИРИШ

Дунё илм-фанида инсониятнинг маънавий камолоти ва ахлоқ масаласи доимо долзарб мавзулар қаторида бўлиб келган. Рационал билим ва тафаккурнинг маҳсули сифатида яратилган моддий ва маънавий бойликлар инсониятнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Тарихий тенденция жараёнида таъкидланган маънавият ва ахлоқ масаласи сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши натижасида илм-фанда инновацион ўзгаришлар содир бўлиши эътирофга лойиқ ижтимоий воқелик бўлди.

Жумладан, ислом дини тарихи ва маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган, хусусан, Марказий Осиё минтақасида ижод қилган мутафаккирларнинг фалсафий меросини ўрганиш дунё ҳалқлари маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Бу борада ислом фалсафасини, хусусан, калом илмини ижтимоий-сиёсий, мантиқий, маърифий, диний-ақидавий концептуал назария ва хулосалар билан бойитган аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга молик.

Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий меросида илгари сурилган назария ва ғояларнинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, таълим-тарбия соҳаларини маърифий дунё стандартлари даражасига кўтаришда астойдил хизмат қилади. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз».//http://www.press-service.uz/uz/lists/view/) Шу маънода, Тафтазоний асарларидаги фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашларни замон ҳамда макон нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ ва

татбиқ қилиш мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг пировард мақсади бўлган баркамол инсон шахсини шакллантиришда, тарбиялашда ҳамда маънавий меросдан оқилона фойдаланишда долзарб аҳамият касб этади.

ИЛМИЙ МОҲИЯТИ

Саъдуддин Тафтазонийнинг калом илми борасидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари буюк ватандошимиз Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид» асарига ёзилган мукаммал шарҳи – «Шарҳ ал-ақоид» китобида рационал тафаккур асосида чуқур таҳлил қилинган.

Асарда калом фалсафасининг муҳим мавзуларидан бири – инсондаги ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, муаллиф асарнинг муайян фаслида Яратувчининг яратувчилик сифатидан келиб чиқадиган хушхулқлик ва хайрли ишларни баён қилади ҳамда шу орқали инсонларни номақбул хулқ-атвор сабабидан содир бўладиган ҳатти-ҳаракатлардан сақланишга даъват этади, яъни билвосита буюради. Асарни таҳлил қилар эканмиз, шарафланмаган хулқ-атвор, ижтимоий ахлоқ меъёрларида бажарилиши гуноҳ ва маъсият мақомидаги ишлар инсоният учун номувофиқлиги таъкидланади. Бундай номақбул (негатив) ахлоқий категориялар асосида кишиларнинг синовдан ўтказилиши ҳақидаги диний-ахлоқий кўрсатмалар ақлий ва нақлий манбалар асосида далилланганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур мавзу юзасидан фикрларимизни «Шарҳ ал-ақоид» асарининг Буюк Британия давлати “Дюзбри” нашриётида чоп этилган нусхасидан фойдаланган ҳолда баён қилишга ҳаракат қилдик.

Асарнинг ирода-ихтиёр эркинлиги ҳақидаги фасли қуйидаги жумлалар билан бошланади.

((والله تعالى خالق لأفعال العباد كلّها من الكفر والإيمان والطاعة والعصيان))،

Маъноси:

Имом Насафий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Аллоҳ таоло бандаларининг ҳамма амалларини, жумладан, куфрни, иймонни, тоатни ва маъсиятни яратади.

احتج أهل الحق بوجوه:

الأول (هو الدليل العقلي): أن العبد لو كان خالقاً لأفعاله لكان عالماً بتفاصيلها، ضرورة أن إيجاد الشيء بالقدرة والاختيار لا يكون إلا كذلك (أي مع علم التفاصيل)، واللازم (أي علم العبد بتفاصيل أفعاله) باطل، فإن المشي من موضع إلى موضع قد يشتمل على سكنات متخللة (أي واقعة في خلال حركاته) وعلى حركات بعضها أسرع وبعضها أبطأ، ولا شعور للماشي بذلك، وليس هذا (أي عدم الشعور) ذهولاً عن العلم، بل لو سُئِلَ (عن التفاصيل) لم يعلم، وهذا في أظهر أفعاله (وهو الحركة الظاهرة في الأعضاء الظاهرة).

Маъноси:

У (банда амаллари)нинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири билан содир бўлади. Бандаларга ихтиёр берилган ва уларга биноан бажарган амалларига яраша яхшилик бўлса савоб, ёмонлик бўлса жазо билан мукофотланадилар. Яхши амаллар Аллоҳ таолонинг розилиги билан бўлади, аксинча, ёмон амалларга эса розилиги бўлмайди, лекин тақдири билан бирга пайдо бўлади (Саъдуддин Тафтазоний 2010:88-93).

Саъдуддин Тафтазоний айтади:

«Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, ҳеч бир банда ўзининг амалларини ўзи ярата олмайди».

Юқорида таъкидланган жумлаларга ақлий далиллардан тартибли тарзда мисоллар келтиради:

Биринчидан, агар банда ўзини амалларини ўзи яратганида эди, барча тафсилотларигача олдиндан билишлиги керак бўларди. Бунга яна бир ёрқин мисол: бу кўзга кўринмайдиган тана аъзоларининг ҳаракатланиши, юрак уриши, нафас олиши, қон айланиши. Мазкур ҳаракатлар ўзининг ихтиёри билан содир бўлмаганлиги учун ҳам бандanинг амаллари ҳам ўз кучи билан содир бўлаяпти, деб эътиқод қилинмайди, балки Аллоҳ таоло яратади.

الثاني: النصوص الواردة في ذلك (أي في أن الله وحده خالق الأفعال)، كقوله تعالى: ﴿ **والله خلقكم وما تعملون** ﴾[١٥] أي عملكم (بناءً) على أن ما مصدرية لئلا يحتاج إلى حذف الضمير (بعد الفتاح لترجيح المصدرية على الموصولة بأن الموصولة لا بد فيها من حذف الضمير المنصوب والحذف خلاف الظاهر)، أو معمولكم (بناءً) على أن ما موصولة، ويشتمل الأفعال (إمّا من جملة المعمولات)، لأنا (هذا دليل على صحة كون الفعل معمولاً) إذا قلنا أفعال العباد مخلوقة لله تعالى أو للعبد لم نرد بالفعل المعنى المصدري الذي هو الإيجاد والإيقاع (وهو المسمّى بالمعمول)، بل الحاصل بالمصدر الذي هو متعلّق الإيجاد والإيقاع، أعني ما نشاهده من الحركات والسكنات مثلاً.

وللذهول (أي الغفلة) عن هذه النكتة (أي أن المراد بالعمل المعمول) قد يتوهم أن الاستدلال بالآية (والله خلقكم وما تعملون) موقوف (فقط) على كون ما مصدرية (ولا موصولة).

وكقوله تعالى: ﴿ **الله خالق كل شيء** ﴾[١٦] أي ممكن، بدلالة العقل (فهذه الآية لا تصدر على الواجب تعالى لأنه ليس بمُمكن)،

Маъноси:

Иккинчидан, нақлий далилларда айтилишича, бандanинг амалларини Аллоҳ таоло томонидан яратилишига далолат қиладиган ҳужжатлар бор:

«والله خَلَقَكُم وَمَا تَعْمَلُون»(سورة الصافات ٦٩)

«Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?» “Соффат” сураси ٩٦-оят.

Ва яна нақлий далиллардан:

«الله خالق كل شيء»(الزمر ٢٦)

«Аллоҳ ҳар бир нарсани яратгувчисидир» (“Зумар” сураси, 62-оят).

لا يقال (إذا كان الخلق مداراً للعبادة): فالقائل (أي المعتزلة) بكون العبد خالقاً لأفعاله يكون من المشركين (لأنّ قوله زيد خالق لفعله كقوله زيد مستحق للعبادة) دون الموحدين (مع أن المذهب عدم تكفير المعتزلة لأنّهم من أهل القبلة)!!، لأنا نقول: الإشراك هو إثبات الشريك في الألوهية، بمعنى وجوب الوجود، كما للمجوس (فإنّهم يعتقِدُون إلهَيْنِ (١) يزدان أي الله خالق الخير (٢) أهرمن أي خالق الشر)، أو بمعنى استحقاق العبادة كما لعبدة الأصنام (فإنّهم يعتقدون أنّ الواجب واحد ويزعمون أن الأصنام مستحقّة للعبادة لرجاء الشفاعة منها)، والمعتزلة لا يُثبتون ذلك، بل لا يجعلون خالقية العبد كخالقية الله تعالى، لافتقاره (العبد) إلى الأسباب والآلات التي هي بخلق الله تعالى، إلا أن مشايخ ما وراء النهر قد بالغوا في تضليلهم (في تضليل المعتزلة) في هذه المسألة، حتى قالوا: إن المجوس أسعد (أحسن) حالاً منهم (أي من المعتزلة)، حيث لم يثبتوا إلا شريكاً واحداً (وهو أهرمن)، والمعتزلة أثبتوا شركاء لا تحصى!!

Маъноси:

Бу билан куфр амаллар ва гуноҳ ишлар ҳам Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўларкан, демак, гуноҳларни бажараверсам ҳам бўлавераркан ёки исломни қабул қилмаган киши ўзига-ўзи Аллоҳ таоло менга хоҳласа мусулмонликни ато этади, демак, ҳали хоҳламаяпти, деган хулосага келинмайди. Чунки бандага ихтиёр эркинлиги берилган.

(١) وهذا (أي مذهبهم) باطل لأنا نفرق بالضرورة بين حركة البطش وحركة الارتعاش، ونعلم أن الأول (البطش) باختياره دون

Маъноси:

Ўз ихтиёри билан қўлларини қимирлатаётган ва касаллиги туфайли қўллари қалтираётган инсонларни бир-биридан ажрата оламиз. Шундан хулоса қилиш мумкинки, инсон яхши амални бажарса савоб, ёмон амални бажарса жазоланади (Саъдуддин Тафтазоний 2010:88-93).

ТАҲЛИЛ

Саъдуддин Тафтазоний асарларининг фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тўғрисидаги концептуал ғоя ҳамда қарашлар аллома маънавий меросидаги энг долзарб мавзулардан бири сифатида эътироф этилади. Мавзуни тадқиқ қилиш давомида тадқиқотчида, аввало, Тафтазоний сиймосига мос ва хос маънавий-ахлоқий қиёфанинг шаклланиш жараёни кечади. Тадқиқотчининг рационал маҳорати натижасида эса, мазкур ижтимоий воқелик бутун жамият маънавий руҳиятига сингиб борувчи таъсирчан воситага айланади. Пировардида, жамиятда Тафтазоний маънавий меросидаги рационал тафаккурни тадқиқ қилиш зарурати шаклланади. Бу эса, ҳар қандай ҳаракатга нисбатан масъулият билан ёндашиш тушунчасини қарор топишида туртки бўлади.

Даставвал, ихтиёр эркинлиги борасидаги фикрларимизни кенг миқёсдаги тадқиқотлар доирасида ифодалашга ҳаракат қилдик. Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласида замон ва макон нуқтаи назаридан нафақат Тафтазоний томонидан балки, кўплаб файласуф-мутафаккирлар томонидан турлича қарашлар баён этилган. Жумладан, улар, инсоннинг содир этган ҳар бир ҳаракати учун масъулият ҳисси мавжудми? Ҳар қандай ҳатти-ҳаракат инсоннинг ўз хулқ-атвори юзасидан пайдо бўладими, яъни ихтиёр эркинлиги мавжудми, унинг ўзида сақланиб қоладими, деган мунозарали саволларга имкон қадар жавоб топишга ҳаракат қилганлар, интилганлар.

Айтиш мумкинки, инсон онгли мавжудот сифатида ўзининг хатти-ҳаракатларини мустақил равишда амалга оширади. Мазкур жараён инсоннинг ўзлигини англаши ва борлиқда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар унинг онгида инъикос этиши натижасида акс таъсир муносабат шаклланади. Бундай жараён, албатта, индивидуаллик тамойилларига асосланади. Юзага келаётган акс-таъсир муносабат жамоа ва унинг аъзолари учун, қолаверса, бутун инсоният ахлоқи учун қанчалик аҳамиятли экани эътиборга олинади.

Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси юзасидан Саъдуддин Тафтазоний шуни баён қиладики, бинобарин, «Аллоҳ ўз бандаларига икки йўлни кўрсатади, яъни инсон хайрли, шарафли ишлар қилиб, савоб олади ёки номатлуб ишлар билан машғул бўлиб, гуноҳга ботади ва шунга яраша жазосини олади» *(Ҳамиджон Ҳомидий 2016:302.)*. Алломанинг таъкидлашича, Яратувчи инсоният жамоасини доимо хайрли ишларга буюрган, шаръан тақиқланган ишлардан қайтарган. Шаръий буйруқларга итоат қилишлик ёки қилмаслик каби ахлоқий мезонлар борасида инсоннинг эркини ўзида қолдирган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг инсон тақдиридаги яхшилик ёки ёмонликни танлаш ихтиёри ҳақидаги фикри буюк мутафаккир имом Мотуридийнинг бу борадаги конструктив қарашларига айнан мос келади. «Абу Мансур Мотуридий исломдаги ирода эркинлигини шарҳлаб, инсонга берилган ақл-идрок унга ўз ҳатти-ҳаракатида яхшилик ва ёмонликни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни, тўғри ёки эгри йўлни танлаш эркинлигини берди, бизнинг келажагимиз шу йўллардан қай бирини танлай олишимизга боғлиқ, деб уқтирган» *(Тўраев Б. 2015:370)*. Ҳар иккала алломанинг прогрессив қарашларида доимий равишда жамият аъзолари ўртасида олижаноблик, одамийлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик, барқарорликка олиб борувчи ҳамкорлик ришталарини шакллантириш ҳамда турлича кўринишдаги салбий иллатлардан сақланиш асносида жамиятда ижтимоий тотувлик ва уйғунликка чорловчи омиллар ётади.

Тафтазоний асарларидаги калом илми баёни ҳақида сўз борар экан, калом фалсафасидаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуларини таҳлил қилишда ҳар бир тадқиқотчидан чуқур фиққий-каломий билим ва мантиқий тафаккур талаб этилади. Бу жараён илмий таҳлиллар ва кузатишлардан иборат бўлади. Натижалар таҳлили калом илми юзасидан пайдо бўладиган мунозарали саволларга ислом фалсафаси нуқтаи назаридан атрофлича ва тўлақонли жавобларни тақдим этади.

Жумладан, «Яратувчи томонидан инсоннинг «ижобий» ва «салбий» мақомидаги амаллари билан бирга яратилган тақдири масаласида оқибати

жавобгарлик билан якун топадиган ишларни содир этишини Худонинг Ўзи хоҳлаган бўлса, кейин уни шу айби учун жазолаши адолатданми?». Мазкур савол калом фалсафасида инсоннинг ахлоқий танлов мавзусидаги энг долзарб масалалардан бири сифатида ижтимоий ҳаёт саҳнасига чиқади. Калом фалсафасидаги шу каби муаммоли вазиятларнинг ечимини топишда Тафтазоний асарларини маълум маънода ижтимоий эҳтиёж сифатида баҳолаш мумкин.

Ижтимоий эҳтиёж сифатида баҳоланган мазкур асарда ахлоқ категорияси, «инсон хусусиятининг асл моҳияти деструктивлик ва шавқатсизлик эмас» *(Сафарова Н. 2009:12.)*, балки, ширинсўзлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеъллилик, хушхулқлилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён бўлади. Шундай экан, инъом этилган ижобий фазилатлардан ахлоқий меъёрлар доирасида фойдаланмасдан, номақбул йўлни танлаган инсон жавобгарликка тортилиши адолатли қарор бўлади. Яна бир асос, «Яратувчи номақбул хулқ- атворни имтиҳон-синов учун ирода қилган холос, танлов борасида инсонга нисбатан мажбурий йўсин белгиланмаган» *(‘Абд Ал-Малик ‘Абд ар-Рахман ас-Са’ди 2009:98.)*. Бу борада Саъдуддин Тафтазоний ўз ихтиёри билан танлаш имконияти инсонда сақланиб қолганлигини асар фаслининг бир неча ўринларида таъкидлайди. Қолаверса, жазога тортилиш масаласи инсон содир этган жавобгарликка асос булувчи ҳаракатни амалга ошириши билан бошланади.

Инсонга Яратувчи томонидан тайин этиладиган ҳар қандай жазо таъқиқланган ишни амалга ошириши билан зоҳир бўлади. Асарда Худо томонидан ҳеч бир инсонга олдиндан ўзи учун нима ирода қилганини билиб, кейин ўша ишни бажариш имконияти ва иқтидори берилмаганлиги айтиб ўтилди. Тафтазоний асар давомида, инсон, фақатгина шаърий қоидаларда белгиланган ва талаб қилинган ишларни бажариш ҳамда ман этилган ишлардан сақланишлик мажбурияти мавжудлигини таъкидлайди. Мазкур асосларга кўра, инсонга тайин этиладиган жазо Яратувчининг хоҳиш-иродасини амалга оширгани учун эмас, балки масъулият юкланган ишларни бажармагани ва таъқиқланган ҳатти-ҳаракатларни содир этгани учун берилган бўлади.

Шу нуқтаи назардан ихтиёр эркинлиги, агар жоиз бўлса, сезги органларимиз орқали бизга маълум бўлиб турган янгиликлардан воқиф бўлишдек илоҳий неъматлар каби, инсоннинг ақлини таниганидан то умрининг охирига қадар эркин танловни амалга ошириш имконияти мавжудлигидир.

(١) وهذا (أي مذهبهم) باطل لأنا نفرق بالضرورة بين حركة البطش وحركة الارتعاش، ونعلم أن الأول (البطش) باختياره دون الثاني (فلو لم يكن للعبد قدرة واختيار في البطش لم يكن فرق).

(٢) ولأنه لو لم يكن للعبد فعل أصلاً (في اختياره) لما صح تكليفه (لأنّ التكليف يكون بالاختيار).

(٣) ولا يترتب استحقاق الثواب والعقاب على أفعاله (مع أنّ الشارع حَكَّمَ بالترتّب في نصوص لا تحصى كقوله تعالى: ﴿ من عَمِلَ صالحاً فلنفسه ومن أساءَ فعليها ﴾ [فصّلت: ٤٦]).

(٤) ولا إسناد الأفعال التي تقتضي سابقية القصد والاختيار إليه (أي إلى العبد) على سبيل الحقيقة مثل صلى وصام وكتب (أي إنّ نجد أهل اللغة والعقلاء يُسنِدُون إلى العبد الأفعالَ التي لا بدّ فيها من الاختيار إسناداً حقيقياً فلو لم يكن للعبد فعل اختياري لم يصح ذلك الإسناد)، بخلاف مثل طال الغلام واسود لونه (من الأفعال الغير الاختيارية فإن إسنادها لا يقتضي إثبات الفعل للعبد).

(٥) والنصوص القطعية تنفي ذلك (أي الجبر) كقوله تعالى: ﴿ جزاء بما كانوا يعملون ﴾[٢٠] (فالآية تدلّ على إسناد العمل إليهم

Маъноси:

«Инсонларга берилган ихтиёр эркинлиги ақидасига мўътазилийлар ва жабарийлар қарши чиқишган, мўътазилийлар ёмон амаллар Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўлмайди, деб айтишса, жабарийлар эса инсон барча бажарадиган амалларини бажаришликка мажбур, деб эътиқод қилишади. Бундай нотўғри эътиқодларга бир неча далиллар мавжуд:

Биринчидан, агар инсонга ихтиёр берилмаганда эди, шариатдаги бўйруқ ва қайтариқлардан иборат аҳкомлар беҳудага айтилган, китоблар беҳудага нозил бўлган, пайғамбарлар бекорга юборилган деган тушунча пайдо бўлиши аниқ. Бу ҳолат эса Аллоҳ таолонинг ҳикматига лойиқ эмас.

Иккинчидан, шариатда солиҳ амалларни бажарган инсонлар савобга дохил бўлиши ва уларни жаннатга кириши, аксинча, гуноҳ амалларни бажарганлар эса жаҳаннам билан жазоланиши ҳақида айтилган. Агар инсонга ихтиёр берилмаганда ёки у Аллоҳ томонидан айтилганларни бажаришликка мажбур бўлганда, бу амалларга яраша ажру мукофотлар берилиши беҳуда бўлиб қолар эди» (Саъдуддин Тафтазоний 2010:88-93).

Саъдуддин Тафтазоний қарашларида инсондаги яхши ва ёмон амалларнинг барчаси Яратувчининг хоҳиш-иродаси билан пайдо бўлишлиги таъкидланади. Асарнинг ушбу фаслида суннийлик жамоасининг қарашларига мўътазалия ва жабария оқимлари қарши чиққанлиги эътироф этилган. Жумладан, муътазилия оқими вакилларининг фикрича, инсоннинг фақат яхши амалларигина Яратувчи томонидан яратилишлиги, ёмон амаллар инсоннинг ўзи томонидан барпо этилиши таъкидланади. Хусусан, «мўътазилий фирқаси «Аллоҳ таоло фақат яхши ишларни яратади, ёмон ишларни эса бандининг ўзи яратади», деган эътиқодда бўлишган» *(Абдулқодир Абдур Раҳим 2016:69).*

Тафтазоний «Шарҳ ал-ақоид» асарида таърифланган жабария фирқаси суннийлик эътиқодидан тубдан фарқ қилувчи радикаллашган диний оқим сифатида эътироф этилади. Бу оқим инсонларга ихтиёр эркинлиги берилганини инкор

қиладиган ягона фирқа ҳисобланган. Улар: «Аллоҳ бандаларга гуноҳ ишларни тақдир қилган ва инсонлар гуноҳ амалларни қилишга мажбурдирлар» *(Тулепов А. 2013:126)*, - дея таъкидлаганлар. Мазкур янглиш ғоялардан инсоният тарихи давомида содир этилган ва натижаси номақбул ҳатти-ҳаракат сифатида баҳоланган барча воқеликлар Яратувчининг хатоси билан юз берган, деган ўта нотўғри хулоса келиб чиқади. Ваҳоланки, Яратувчи инсоният жамоасини доимо эзгулик, шафқатлилик, меҳр-мурувватлилик саховатпешалик ва бошқа шу каби ижобий фазилатлар воситасида ҳамкорлик қилишга Қуръони карим ва Ҳадис шарифнинг жуда кўп ўринларида тарғиб қилади.

Юқоридаги фикрлардан умумий хулоса шуки, Тафтазонийнинг айрим деструктив қарашларни тарғиб қилган оқимларга қарши раддиялар ёзганлигини асосли дея баҳолаймиз.

Тарихий давр оралиғида юзага келган қарашлардаги яна бир аҳамиятли жиҳат шуки, инсоннинг тақдири ва ундаги ихтиёр эркинлигини қай йўсинда тасарруф этишда Саъдуддин Тафтазонийнинг ғоялари билан замонавий ҳарактердаги одоб-ахлоқ меъёрлари ва норматив қоидаларда уйғунлик ҳамда номутаносибликнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Қуйида тарихий давр тенденциясида ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзусини пропорционал тарзда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ихтиёр эркинлиги борасидаги фикрлар замонавий талқинда тадқиқ қилинганда, ахлоқий талабнинг категориал аппарати ижтимоий асосларда шаклланиб боради. Тарихий тараққиёт натижасида тўғри йўлни танлаш бобидаги ахлоқий танлов категорияси фалсафий англаш шакллари қаторига киритилади. Ушбу категориядаги ахлоқий талаблар нисбатан умумий тарзда талқин этилади. Мазкур талаблар умумжамоавий тусда шахсга қўйиладиган мажбурият тарзда намоён бўлиб, инсондаги ахлоқ даражасини, унинг ҳаётий мазмун-моҳиятини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Айтиш мумкинки, умумий асосларда «ахлоқда оқилона муносабатлар ва юксак инсоний туйғулар белгиловчи аҳамият касб этади» *(Тўраев Б. 2015:43)*.

Натижада жамият ҳаётида юзага келган тамойиллар, инсон хатти-ҳаракатининг умумий стратегиясини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Ахлоқ ақлга бўйсундирилади ва чегараланади, пировардида тўғри танлов асосида жамиятнинг барча бўғинларида мутаносиб ҳолат юзага келади. Бу эса жамиятдаги мавжуд қатламлар ҳаётида ижтимоий фаровонликни юзага келтиради. Акс ҳолатларда эса, алоҳида якка шахс ёки бир гуруҳ инсонларнинг бадхулқ танлови нафақат бошқаларга, балки бутун инсоният тараққиётининг таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Тарихий давр воқелиги бундай ҳолатларни замон ва маконда бир неча бор далиллаб келган.

Замонавий қарашлардаги каби калом фалсафасида ҳам ахлоқ категорияси ва ихтиёр эркинлигида ақлнинг доминантлигига асосий жиҳат сифатида қаралади. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, агарда инсонда ихтиёр эркинлиги тўғрисидаги ҳиссиёт умуман шаклланмаганда, ёки Яратувчи томонидан (ёки табиатан) мазкур туйғу инсониятга берилмаганда жамият ҳаёти ва тартиби қандай бўлиши мумкин эди, деган мантиқий савол туғилади. Ушбу ҳолатда яна бир бор Саъдуддин Тафтазонийнинг ғояларига мурожаат қиламиз.

Асар тадқиқидан маълум бўладики, агарда инсонларга ихтиёрий эрк берилмаганда эди, жамоа ва жамиятни тартибини тийиб турувчи шариат қонунлари, бўйруқ ва таъқиқлари ҳамда жамики ҳукмлар мақсад-муддаосиз беҳудага айтилган, деган тушунча пайдо бўлиши тайин эди. Бундай ҳолат эса Яратувчининг комиллик сифатига ва ҳикматига нолойиқ сабаб сифатида инсоният томонидан баҳоланган бўлар эди. Тафтазоний таърифида тўғри танловдан кейинги босқич бўлган хоҳиш-иродани амалга ошириш учун инсониятга юборилган имтиҳон-синов, калом илмининг фиқхий қонун-қоидаларида ўз аксини топган эди.

Калом фалсафасининг сабабият қонунларида «Ирода» сифати борасида муайян талқинлар мавжуд. Бу тамойил юзасидан мавжудотларнинг вужудга келиши сабаблари икки кўринишда системалаштирилади.

1. Аслий сабаб.
2. Тайин қилинадиган сабаб *(Абдулқодир Абдур Раҳим.2016:70)*.

Калом фалсафаси вакиллари аслий сабабни тушунтиришда Яратувчининг хоҳиш-иродасини назарда тутганлар. Бу жараёнда барча яратилмишлар аслида Худонинг иродаси туфайли пайдо бўлишлиги ўқтирилади.

Тайин қилиб ўрнатилган сабабларда мантиқий ва фиқхий-ақидавий ёндошувга асосий урғу берилади ҳамда нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлиши учун тайин қилиб ўрнатиб қўйилган сабабларга эътибор қаратилади. Мисол тариқасида овқатланиш инсон қувват пайдо бўлишида, ёмғир ёғиш ҳолати ўсимликлар ўсишига, аланга чиқиши ёнғин содир бўлишига, обиҳаёт чанқоқни қондиришга зарурий сабаб сифатида кўрсатилади. Мазкур сабаблар юзага чиққан ҳолатда улар ортидан боғлиқ қилиб қўйилган

нарса-ҳодисалар ҳам юзага чиқишини Яратувчи томонидан тайин қилиб ўрнатиб қўйилганлиги эътиборга олинади. Шаръан таҳлил қилинганда оч қолган кишининг овқатланишида унинг нафсини қондириши таом томонидан эмас, Яратувчи томонидан ҳосил қилинади. Чанқаган кишининг сув ичганида унинг чанқоғи қониши жараёни сув томонидан яратилмайди, балки Яратувчи томонидан бунёд этилади. Бирор ашёнинг оловга ташланиши ва оқибатда аланга ўша нарсани куйдиришини олов яратмайди, балки бу ҳолатда ҳам Яратувчининг қудратидан эканлиги англанади. Мазкур воқеликда сув ҳам, олов ҳам тайин қилиб ўрнатиб қўйилган сабаб холос, аслий сабаб эса Яратувчининг иродасидир. Мазкур илоҳий ҳақиқатни англаш учун мантиқий тафаккурни ишга солган ҳар бир фикр соҳиби Яратувчи томонидан гоҳида одатий сабабларни бекор қилиш ҳолатлари мавжудлигини англаб етади.

Шунингдек, инсонга жузъий ихтиёр берилганлигини ҳам ўтиш лозим. Ислом фалсафасида жузъий ихтиёр деб таъриф берилишининг сабаби фақат Яратувчи белгилаб қўйган чегара доирасида танлаш имконияти берилганлигидир. Мисол учун инсонга бўйини баландроқ ёки пастроқ бўлиши, эркак ёки аёл жинсида дунёга келиши ва шу каби ҳуқуқлар берилмаган. Калом илмида мазкур ҳолатларнинг аналоги мавжуд бўлмаганлиги сабабли қандай яратилган бўлса шундайлигича қабул қилинади ва бу ҳолатларда инсоннинг имкониятлар доираси тақдирий илоҳий билан чегараланганлиги тушунилади.

Инсон учун ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танловдан фойдаланиш масаласида ҳеч қандай чегара белгиланмади. Бироқ, тўғри йўлни танлаш борасида инсонда маънавий камолот даражасининг пастлиги ёки бошқача айтганда, мукаммал даражадаги интеллект етишмаган тақдирда хатолик содир бўлиши кузатилади. Шунинг учун юқорида айтилган ҳаракатларнинг сабаб-оқибатини тўғри тушунмаган инсонлар жамоаси учун юксак ахлоқий ирода масаласида маълум чегара ўрнатилади ва бу чегара ахлоқ нормалари ёки қонун нормалари билан тартибга солинди. Ваҳоланки, ахлоқий камолот масаласида «баркамол иродани мукаммалликка олиб келадиган ғайритабий ҳаризматик инъомга қиёслаш мумкин. Бундай ирода эркинлигига эришишнинг натижаси шундаки, унга эришган киши амалий ёки назарий жиҳатдан ёвузлик қилишга қодир бўлмайди. Бундай инсоннинг тасаввуридаги ихтиёр эркинлиги илоҳий иноят ёрдами билан эришилади *(Низаев М. 2009:13)*.

Инсондаги ихтиёр-ирода эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси замонавий фалсафа фанида турлича ёндашувлар асосида ёритилади. Бу борада замонавий фалсафа терминологиясида волюнтаризм ва фатализм каби атамалар кенг қўлланилади. «Волюнтаризм» сўзи лотин тилидан олинган «ирода» маъносини ифодалаб, фаласафий қарашлар тизимида кўпроқ шахснинг хоҳиш-иродасини эътирофи сифатида қўлланилади. Бундай қарашларга кўра ҳар қандай тарихий тенденциядаги процесс алоҳида шахсларнинг субъектив хоҳишларига асосан содир бўлишлиги таъкидланади. Юқорида таъкидланган ирода-ихтиёрнинг субъективлик характерини ўзида жамлаган «волюнтаризмнинг мазмун моҳияти XIX аср немис файласуфи А.Шопенгауэр ирода фалсафасида ўз ифодасини топган» *(Назаров Қ. ва бошқалар 2018:141)*.

Ирода эркинлиги борасида Шопенгауер қарашлари маълум маънода инсонда пессимистик ҳарактерни пайдо бўлишига олиб келади. У инсондаги иродани, хоҳиш-истакларни амалга ошириш учун мазмунсиз ҳатти-ҳаракат сифатида баҳолаб, яхши яшаш учун курашишдан тийилишга чақиради. Охир оқибат «истакларни амалга ошириш йўлидаги мазмун-моҳиятсиз интилишлар ҳаётда кўтариб бўлмайдиган оғир юкка айланиб қолади» *(Ахмедова М. 2005:126)*. Ваҳоланки, ҳар бир жамиятнинг ва ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади фаровонликка эришиш эканлиги ҳамда бу йўлдаги фидойилик барча замон ва маконларда олий ирода намунаси сифатида эътироф этилган.

«Ирода – бу яшаш учун бўлган ирода бўлиб, хоҳиш-истакларни қондиришга қаратилган интилишдир... шунинг учун, эҳтимол, кўпинча, афсус-надомат билан айтиладиган ҳаётнинг қисқалиги, айнан ундаги энг яхши нарсадир» *(Шопенгауэр А.1880:338)*, - деб таъкидлайди Шопенгауэр. Ирода эркинлиги ҳақидаги фалсафий манбаларда келтирилишича, «Шопенгауэрнинг «Дунё – ирода ва тасаввур» (1819) асарида баён этилган фалсафий ғоялари мутафаккирнинг бутун умри мобайнида мутлақо эътироф этилмади» *(Шермуҳаммедова Н. 2008:291)*. Умуминсониятда ижобий муносабат ўйғота олмаган ҳар қандай асар, ғоя, қараш ўз вақтида ёки вақт ўтиши билан унутилганлигини тарихий давр тенденцияси далиллаб келган.

Тафтазоний қарашларида ирода масаласи юқорида таъкидланган Шопенгауэр фикрларига қиёслаганимизда бир-биридан тубдан фарқ қилади. Тафтазоний таърифидаги инсон танасида кечадиган, «кўзга кўринмайдиган тана аъзоларини ҳаракатланиши, юрак уриши, нафас олиши, қон айланиши» каби биологик ҳолат-ҳаракатлар содир бўлишида инсондаги “иститоъат” *(Рудолф У.*

2001:133), яъни бирор ҳаракатни амалга ошириш учун ато этилган иқтидор-қудрат билан эмас, балки Яратувчи томонидан яратилиши таъкидланади. Тафтазоний томонидан юқоридаги жумлаларда таъкидланган инсон танасидаги динамик ҳатти-ҳаракатлар натижаси маълум маънода хулқ-атворида намоён бўлади. Инсон, тана аъзоларининг рационал тафаккур билан уйғун ҳаракати натижасида бадхулқ иродадан ҳимояланади.

Хушхулқлик ва хайрли йўлни танлаш, умумий олганда «илм-маърифат инсонни юксак маънавий камолотга элтувчи асосий восита» *(Сафарова Н. 2018:52*) эканлиги ҳақидаги маънавий чақириқлар Тафтазоний асарларининг бош ғоясини ташкил этади. Тафтазонийнинг хулқ-атворига берилган қуйидаги таърифда айтиладики, илм эгаллаш асосида фаровонлик ва комилликка эришиш учун «у ҳаммадан кўра кўп ҳаракат қиларди. Шерикларидан ортда қолганлиги Саъдуддиннинг илмга бўлган ҳимматини паслата олмас, у тинмай ҳаракат қилар, илмдан бошқа нарсага аҳамият бермас эди» *(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 2019:13-14)*, -деб таъкидлайди Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Шу жиҳатдан олганда, юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Саъдуддин Тафтазоний нафақат Шопенгауэр учун, балки барча замон ва макондаги илм аҳллари учун ибрат мактабини ўтайди, десак хато бўлмайди.

Ирода мавзусининг замонавий талқиндаги яна бир кўриниши, «фатализм–(лот. fatalis – тақдир, қисмат) ҳар қандай ҳаракатни, воқеа, ҳодисаларни азалдан белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги дунёқараш *(Икки буюк аллома 2017.:133)* сифатида ушбу тушунча лўғавий маънода инсон тақдирига оид термин тариқасида истифода қилинади. Фатализм тушунчасига нисбатан тарихий терминологияда нотўғри илмий ёндошув шаклланган, яъни фатализм деганда кўпроқ калом фалсафасидаги ихтиёр эркинлиги борасидаги фикрларга нисбат берилган. Бу назария калом фалсафасининг муҳим ақидаларидан *(Фалсафа. Қомусий луғат. 2004:425.)* бири сифатида эътироф этилади. Истилоҳий маънода эса, фатализм, инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари мажмуи ўзгармас тақдир ёки қисматга боғлаб тушунтирилади. Борлиқ структурасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда оқибатлари олдиндан белгиланган ижтимоий воқелик эканлиги таъкидланади. «... бу билан инсонни ҳеч қандай фаолият кўрсатмасликка, пассивликка, қисматга бўйсунишга даъват этади» *(Назаров Қ. ва бошқалар. 2018:140).*

Тафтазоний таъкидлаган ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов ҳамда фатализм тушунчасининг бир-биридан фарқли жиҳатлари борасидаги фикрлар, мазкур нуқтада номутаносибликни юзага келтиради. «Шарҳ ал-ақоид» асарида келтирилган ислом арконларини қабул қилмаган шахс борасидаги қуйидаги жумлаларда: «Аллоҳ таоло менга ҳоҳласа мусулмонликни ато этади, демак ҳоҳламаяпти, деган хулосага келинмайди. Чунки бандага ихтиёр эркинлиги берилган», -дея таъкидлаган эди Саъдуддин Тафтазоний. Юқоридаги жумлаларга эътибор қаратганимизда, Тафтазонийнинг «инсонга ихтиёр эркинлиги берилган»лиги жумласи бирор-бир турдаги ҳаракатсизлик ёки пассив ҳаракат ёхуд ўзгармас тақдирга бўйсунишга чорлашдан йироқ тушунча эканлиги яққол кўзга ташланади. Зотан, «ирода эркинлиги ишнинг кўзини билиб онгли қарорлар қабул қила олиш қобилиятидир» *(Тўраев Б. 2015:36)*, -деб таъкидланган профессор Б.О.Тўраев. Олимнинг асаридаги мазкур жумлалар эса Тафтазоний қарашлари билан битта фалсафий ракурсдан ўрин эгаллайди.

Калом фалсафасидаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзулари билан прорпорционал ракурсда тадқиқ қилинадиган «қазо» ва «қадар» тушунчалари Саъдуддин Тафтазоний асарларида илмий таҳлил этилган.

Калом илмидаги «қазо» ва «қадар» атамаларининг луғавий ҳамда истилоҳий маъноларини тадқиқ қилишда унинг калом фалсафасидаги ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ ёритиб бериш муҳим жиҳат ҳисобланади. «Қазо» ва «қадар» атамаларининг маълум бир ўринларда тадбиқ қилиш орқали кўпгина тушунмовчиликларга барҳам берилади. Қадар луғавий жиҳатдан «миқдор белгиламоқ», «тақсимламоқ» каби маъноларни англатади ва истилоҳда «Аллоҳ таолонинг келажакда махлуқотларида бўладиган нарсани билиши – қадар» *(Husniddinov Z. 2004:232*) дейилади, яъни Яратувчи махлуқотларининг ризқларини ва барча ҳолатларини олдиндан тақсимлаб қўйганлиги, шунга кўра улар дуч келадиган барча нарсалар У зотга олдиндан маълум экани қадар атамасини намоён қилади. “Қазо” атамаси эса, луғатда «амалга оширмоқ», «юзага чиқармоқ» каби маъноларни англатади. Истилоҳда «Аллоҳ таолонинг илмида вужудга келиши олдиндан аниқ бўлган нарсани вужудга келтириши – қазо дейилади» *(Кинзябаев Д. 2018:81)*, яъни Яратувчининг махлуқотларига олдиндан тақсимлаб қўйган нарсасини Ўзи белгилаб қўйган вақтида юзага чиқариши қазо ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазонийнинг ғояларини тадқиқ қилишда тарихий ва замонавий ёндашув ҳамда умумий асосларда талқин қилиш билан бирга тадбиқ қилиш жамият маънавий

тараққиёти учун ижобий туртки бўлади. Ҳар иккала қарашлар маълум маънода бир нуқтада бирлашади ва тарихий циклда уйғунлик ҳолатини пайдо қилади. Файласуф-мутафаккирлар томонидан ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси тарихий давр хронологиясида дастлаб калом фалсафасида, сўнгра замонавий талқинда муҳокамадан ўтганлиги уларнинг фарқли жиҳати сифатида қаралади.

Юқорида таъкидланган ахлоқий категориялар жамият томонидан ҳар бир фуқаро зиммасига юкланадиган мажбурият кўринишида намоён бўлиб, инсондаги ахлоқнинг маъно-моҳиятини, турмуш тарзи мазмунини, жамоа билан бевосита ва билвосита ўзаро муносабатларидаги асосий ижтимоий тамойилларини кўрсатиб беради. Пировардида, мазкур тамойиллар, жамият аъзолари томонидан содир этиладиган ҳатти-ҳаракатларнинг умумий чегараларини белгилаб беради ҳамда айни вақтда кўпгина ахлоқий меъёрлар учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ҳатти-ҳаракатлари рационал билим ва ақл-тафаккур доирасида амалга оширилади. Ақл чегарасидан чиққан инсон ёки жамият аъзоларидан танланган бир гуруҳнинг содир этган номақбул ҳатти-ҳаракатлари, нафақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки ҳайвонот ва наботот, қолаверса, бутун инсоният учун ижтимоий хавфли қиёфа касб этган ҳолатлар тарихий тенденциянинг барча оралиқ цикларида далилланиб келган.

Инсонга берилган ихтиёр эркинлиги борасидаги чекловнинг, яъни ақл устунлигини таъминлашида ахлоқ бирламчи восита эканлиги тушунчаси ижтимоий ахлоқ нормаларига қай йўсинда амал қилиш даражалари билан белгиланади. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий ахлоқ нормаларига тўлақонли амал қилган шахс Тафтазоний асарида таъкидланган мукофотга лойиқ инсон деб эътироф этсак, хато бўлмайди.

Ирода эркинлиги ва ахлоқий танловга нотўғри ёндашган ва зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмаган шахс ижтимоий ахлоқ қоидаларини бутунлай рад этади, бора-бора бутунлай унутади. Шахснинг ижтимоий-маънавий борлиғини жамиятдаги негатив омиллар таъсири тўлиғича қамраб олади. Натижа аён, шахс ахлоқий танловда адашади ва хатоликка йўл қўяди. Бу билан жамиятда ахлоқсизларнинг миқдор жиҳатдан ўсишига ўзининг «муносиб ҳисса»сини қўшади.

НАТИЖАЛАР

Мазкур тадқиқотни жамият маънавий ҳаёти ва тараққиётига татбиқ қилишда инсоннинг танлови қанчалик муҳим эканлигини инобатга олсак, бу танлов нафақат якка бир шахс манфаатига, балки умуминсоният манфаатига хизмат қилиши конструктив жиҳатдан аҳамиятлидир. Мазкур вазиятда шахснинг танлаган йўлига параллел равишда унинг тақдири ҳам яратилиб бораётганидан балки унинг хабари ҳам йўқдир?! Шу ўринда Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асарида «инсондаги ихтиёр эркинлиги» фаслида худду шу каби жумлаларнинг мавжудлигини юқорида айтилганидек, яъни инсоннинг яхши ва ёмон барча амаллари Яратувчининг розилиги билан содир бўлишлиги, яхши амаллари учун савоб-мукофотни қўлга киритиши, аксинча, шарафланмаган амаллари учун рози бўлмаслиги, пировардида жазоси муқаррарлиги айтилади. Шахснинг барча амаллари унинг тақдири билан параллел равишда, яъни шу инсоннинг ўзи билан биргаликда пайдо бўлишлиги таъкидланган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг ихтиёр-ирода эркинлиги ва ахлоқий танлов борасидаги фалсафий ғоялари инсоният учун ислом динининг, қолаверса, калом фалсафасининг рационал моҳиятини очиб беришда қимматли ғояларни тақдим этади. Ислом динида алоҳида ўрин эгаллайдиган инсондаги ирода эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси ҳамда унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни муҳим эканлиги «Шарҳ ал-ақоид» асарида муаллиф томонидан юксак илмий савия ва маҳорат билан ифодаланган.

Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси инсоннинг ўзи истиқомат қилаётган жамиятдаги ижтимоий ахлоқ меъёрларига амал қилиш даражасини назарда тутади. Қолаверса, атрофдагилар билан бўлган коммуникатив (позитив) мулоқотда ўрнатилган қоидаларга риоя этиш сингари жиҳатларни қамраб олади.

Идеал ахлоқий танлов инсонларнинг ўзаро ҳамкорликка чорловчи ижтимоий-маънавий эҳтиёж сифатида ҳар бир давр илм аҳлининг эътиборида бўлган. Мазкур анъана илм аҳли доирасидан бутун жамият саҳнига кўтарилган замон ва маконда ижтимоий барқарорлик ҳамда фаровон ҳаёт унсурлари пайдо бўлган. Шу жиҳатдан олганда, маърифатга интилиш ва ахлоқли бўлиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий эҳтиёж, зарурат даражасига кўтарилсагина тадқиқотларнинг самарадорлиги ошиб боради.

ХУЛОСА

Мазкур мавзу юзасидан маърифат ва ахлоқийлик асосидаги ижтимоий барқарорликни таъминловчи таклифлар муҳим эканлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, ушбу мавзу бугунги кунда ҳам жиддий амалий аҳамиятга молик масала сифатида

нафақат файласуфлар, балки ахлоқшунослик соҳаси мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Калом фалсафасида чуқур илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларимиз ислом дини фақат ибодатдан иборат мавзу эмаслигини, балки, илму маърифат, маънавият ва ахлоқийлик ҳамда фалсафа эканлигини далиллашга ўзларида хоҳиш-ирода ва имконият топдилар. Натижада "ислом фалсафасига нисбатан креатив фикрлашда илмнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини англаш" *(Норқобилов М. 2020:138)* неъматини инъом қилди. Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласида, инсон, позитив ҳатти-ҳаракатлари доирасида ўз ҳаётини яхшилаш, ижтимоий ахлоқ меъёрларига мослаштириш ўзининг қўлида эканлиги тўғрисидаги файласуф-ахлоқшунослар томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Зеро, инсон яхшилик ёки ёвузлик танловини амалга оширади. «Ахлоқий танлов – ҳар бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, ижтимоий қилмишнинг ибтидо нуқтаси *(Абдулла Шер 2010: 214)* эканлигини танлов жараёнининг сўнггида англаб етади.

Ҳар қандай ғоя ва қарашлар жамият ҳаёти учун манфаат келтирсагина аҳамиятли ҳисобланади. Биз тадқиқ қилаётган мавзуни жамият маънавий ҳаётига татбиқ қилиш ҳам маълум маънода инсонларда ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танловни тўғри шакллантиришга боқлиқ бўлади. Ихтиёрий эрк ва ахлоқий танловни амалга оширишга кўмаклашиш борасида фуқаролар онгида қабул қилинаётган қонунларга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантириш дунё давлатлари аксариятининг пировард мақсадидир.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга лоқайд ёки салбий муносабатда бўлиш оқибатида танловда адашган ва хатога йўл қўйган айрим шахсларни тўғри йўлга чақириш, ахлоқан тарбиялаш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш борасида олиб борилаётган гуманистик сиёсати таҳсинга лойиқ. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрда «Авф қилиш тўғрисидаги фармони» (*http://uza.uz/uz/posts/prezident-farmoni-bilan-104-nafar-fuqaro-avf-etildi_192605*) бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғи сифатида эътироф этилди. Соҳага таллуқли норматив ҳужжатларнинг жамият аъзолари онгида ахлоқан тўғри йўлни танлаш тушунчасини шакллантиришга хизмат қилиши фаровонлик гарови ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганимизда, давлатимизда олиб борилаётган ижтимоий-ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларга биз тадқиқ қилаётган мавзу маълум маънода маънавий манба вазифасини бажаради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биз мазкур изланишларимиз орқали ирода эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласида объектив ва субъектив жиҳатларни уйғунлаштириш асосида Саъдуддин Тафтазоний каби ахлоқий идеалларни кашф қилиш, бу билан бутун инсониятда маърифат ҳосил қилиш орқали ижтимоий муаммоларнинг илмий ечимини топишга ҳаракат килдик.

АДАБИЁТЛАР

1. 'Абд Ал-Малик 'Абд ар-Рахман ас-Са'ди. (2009) Исламское вероучение. Толкование акыды «Ан-Насафи». Казань. Изд. ДУМ~РТ. –с.98.
2. Абдулқодир Абдур Раҳим. (2016) Эътиқод дурдоналари. "Бадъул амолий" шарҳи. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.–б.69.
3. Абдулла Шер (2010) Ахлоқшунослик. Дарслик. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти.–б.214.
4. Ахмедова М.А.(2005) Фалсафа. Умумий муҳаррирлиги остида. Дарслик. Т.: –б.126.
5. Икки буюк алома. (2017) Имом ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий. Фарғона – -б.133.
6. Ислом энцеклопедияси. (2004) Zuhriddin Husniddinov tahriri ostida. «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. –б.232
7. Кинзябаев Д.М. (2018) Толкование исламского вероучения в наследии имама Абу Ханифы. Методическое пособие. Уфа – 2018. –с.81.
8. Назаров Қ.Н. ва бошқалар. (2018) Ижтимоий фалсафа. Ўқув қўлланма. Т.: –б.141.
9. Низаев, М.А. (2009). Понятие «свобода воли» в христианстве и исламе. автореф. дис...канд. филос. наук, 9. –с.13. www.scholar.google.com
10. Norqobilov, Mirzoqul (2020) «PHILOSOPHICAL AND LOGICAL ANALYSIS OF SOPHISTIC THINKING IN THE WORK "SHARH AL-AQEED ANNASAFI" BY THE GREAT THINKER SADEDDIN TAFTAZANI,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/14.
11. Norqobilov, M. X. (2020). THE IMPORTANCE OF SOCIAL ENVIRONMENT OF TEMUR AND THE TEMURIANS PERIOD AND THE PERIOD HE LIVED IN THE SCIENTIFIC WORK OF SA'DUDDIN TAFTAZANI. Theoretical & Applied Science, (3), 319-322.
12. Рудолф У. (2001) Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. Т.:2001. –б.133
13. Сафарова Н.О. (2018) Хожагон тариқати. Монография. Т.: 2018.-б.52
14. Сафарова Н.О. (2009) Терроризм. (тарихий-фалсафий таҳлил). Т.: "Noshir". 2009. –б.12.
15. Саъдуддин Тафтазоний (2010). "Шарҳ ал-ақоид". Британия. "Dyuzbri" нашри. -б.88-93.

16. Тулепов А. (2013) Ислом ва ақидапараст оқимлар. Иккинчи нашр. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2013. – б. 126
17. Тўраев Б.О. (2015) Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. Танланган асарлар I жилд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент. –б.370
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/
19. Фалсафа. (2004) Қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти. Т.: – б.425.
20. Ҳамиджон Ҳомидий. (2016) Тасаввуф алломалари. Т.: Ўзбекистон. -б.302.
21. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2019) Самарқанднинг сара уламолари. Т.: Hilol-nashr. –б.13-14.
22. Шермуҳаммедова Н. (2008) Фалсафа ва фан методологияси. Дарслик. Т.: -б. 291.
23. Шопенгауэр А. (1880) Мир как воля и представление. Спб. -с.338.
24. http://uza.uz/uz/posts/prezident-farmoni-bilan-104-nafar-fuqaro-avf-etildi_192605

REFERENCES

1. ‘Abd Al-Malik ‘Abd ar-Raxman As-Sa’di, (2009). Islamskoye veroucheniye. Kazan: “An-Nasafi”. –c.98.
2. Abdulqodir Abdur Rahim. (2016) E`tiqod durdonalari. “Bad`ul amoliy” sharhi. Qayta ishlangan va to`ldirilgan ikkinchi nashr. T.: “Sharq” nashriyot-matbaa akciyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati.–b.69.
3. Abdulla Sher (2010) Ahloqshunoslik. Darslik. T.: O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti.–b.214.
4. Ahmedova M.A.(2005) Falsafa. Umumiy muharrirligi ostida. Darslik. T.: –b.126.
5. Ikki buyuk aloma. (2017) Imom al-G`azzoliy va Ibn al-Arabiy. Farg`ona – -b.133.
6. Islom enceklopediyasi. (2004) Zuhriddin Husniddinov tahriri ostida. «O’zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. –b.232
7. Kinzyabaev D.M. (2018) Tolkovanie islamskogo veroucheniya v nasledii imama Abu Hanify. Metodicheskoe posobie. Ufa – 2018. –s.81.
8. Nazarov Q.N. va boshqalar. (2018) Ijtimoiy falsafa. O`quv qo`llanma. T.: –b.141.
9. Nizaev, M.A. (2009). Ponyatie «svoboda voli» v hristianstve i islame. avtoref. dis...kand. filos. nauk, 9. –c.13.
10. Norqobilov, Mirzoqul (2020) «PHILOSOPHICAL AND LOGICAL ANALYSIS OF SOPHISTIC THINKING IN THE WORK “SHARH AL-AQEED ANNASAFI” BY THE GREAT THINKER SADEDDIN TAFTAZANI,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/14.
11. Norqobilov, M. X. (2020). THE IMPORTANCE OF SOCIAL ENVIRONMENT OF TEMUR AND THE TEMURIANS PERIOD AND THE PERIOD HE LIVED IN THE SCIENTIFIC WORK OF SA’DUDDIN TAFTAZANI. Theoretical & Applied Science, (3), 319-322.
12. Rudolf U. (2001) Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti. Imom al-Buhoriy halqaro jamg`armasi. T.:2001. –b.133
13. Safarova N.O. (2018) Hojagon tariqati. Monografiya. T.: 2018.-b.52
14. Safarova N.O. (2009) Terrorizm. (tarihiy-falsafiy tahlil). T.: “Noshir”. 2009. –b.12.
15. Sa`duddin Taftazoniy (2010). “Sharh al-aqoid”. Britaniya. “Dyuzbri” nashri. -b.88-93.
16. Tulepov A. (2013) Islom va aqidaparast oqimlar. Ikkinchi nashr. «Sharq» nashriyot-matbaa akciyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. T.: 2013. – b. 126.
17. To`raev B.O. (2015) Ontologija, gnoseologija, logika va fan falsafasi muammolari. Tanlangan asarlar I jild. Alisher Navoiy nomidagi O`zbekiston Milliy kutubhonasi nashrijoti, Toshkent. –b.370.
18. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so`zlagan nutqi. // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/
19. Falsafa. (2004) Qomusiy luq`at. O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. “Sharq” NMAK Bosh tahririyati. T.: – b.425.
20. Hamidjon Homidiy. (2016) Tasavvuf allomalari. T.: O`zbekiston. -b.302.
21. Shayh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2019) Samarqandning sara ulamolari. T.: Hilol-nashr. –b.13-14.
22. Shermuhammedova N. (2008) Falsafa va fan metodologiyasi. Darslik. T.: -b. 291.
23. Shopengaujer A. (1880) Mir kak volya i predstavlenie. Spb. -s.338.
24. http://uza.uz/uz/posts/prezident-farmoni-bilan-104-nafar-fuqaro-avf-etildi_192605